O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 12-noyabr • Shanba • 138 (27.473) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

БАНДЛИК МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида мазкур институт ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, мутасадди вазирликлар ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг лойиҳа раҳбарлари ва ходимлари иштирок этишди.

Қатнашчилар Ўзбекистонда аҳоли миграцияси муаммоларини ўрганиш, давлат миграция сиёсатининг концептуал асосларини белгилаш ва қонунийлигини таъминлаш, миграция соҳасидаги масалаларни ҳамда миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг самарадорлигини муҳокама қилишди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳаза, таклифларини баён этишди ва киритилиши лозим деб топилган қўшимча ва ўзгартиришлар ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва мутасадди ташкилотларга юборилади бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов, ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Насимқул Каримов иштирок этишди ва сўзга чиқишди.

(Ўз мухбиримиз)

Суратларда: давра суҳбати иштирокчилари.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2005 йил 14-15 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат президентлари турли соҳаларда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро ҳаёт муаммоларини муҳокама қиладилар. Музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Муносабат

РАҲБАРЛИК, ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

назаримда, у эл-юртнинг бошини қовуштиришни, уларни юксак мақсадлар сари бошлашни, энг аввало, одамларнинг қувончи-ю, ташвишлари билан яшашни, уларнинг руҳини кўтаришни талаб қилади

Яқинда Юртбошимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида яна бир карра раҳбарлик ва етакчилик масъулияти, катта-кичик раҳбарлар зиммасига юкланган асосий вазифалар, уларга қўйиладиган талаблар ҳақида гапириб, жумладан: **«Ҳақиқий раҳбар мана шу ер — менинки, мана шу юрт — ўзимники, уни обод ва фаровон қилиш менинг нафақат вазифам, балки муқаддас бурчим, деган эътиқод билан яшаши ва ишлаши зарур»,** — дедилар.

Хўш, бугунги куннинг раҳбари қандай бўлиши керак ўзи? Унинг фаолияти қандай мезонлар билан ўлчанади, баҳоланади? Бошқача айтганда, мамлакатимизда айни чоғда амалга оширилаётган ислоҳотлар турли поғонадаги раҳбарлар зиммасига қандай вазифаларни юкламоқда? Шулар ҳақида фикр юритар эканмиз, биринчи галда раҳбар масъулияти нима ёки масъулиятли раҳбар қандай, масъулиятсиз раҳбар қанақа бўлади, деган саволларга жавоб топишимиз керакка ўхшайди.

Назаримда, масъулиятли раҳбар ўзи бош бўлган жамоанинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб яшайди. Одамларнинг, аввало ўз қўл остидаги кишиларнинг мушкулини осон, оғирини енгил қилайин, турмушлари фаровон бўлишини таъминлайин, деган хайрли мақсадлар йўлида ҳузур-ҳаловатидан кечади, елиб-югуради. Жамоа аъзоларини бирлаштиришнинг, кимнингдир бошини силаб, керак бўлса, кимгадир қаттиққўллик қилиб, муаммолар ечимини топишнинг уддасидан чиқади. Масъулиятсиз раҳбар эса бунинг аксини қилади: «Ҳа, энди биз пахта билан бўлганмиз-да», ёхуд «қурилиш билан банд бўлиб қолганмиз-да» деган важ-корсонларни рўкач қилиб, қўл остидаги одамлар, жамоасидаги ишчи-хизматчиларнинг ташвишларидан ўзини четга олиб қочишга интилади, мен сенга тегмайман, сен менга тегма, қабилида иш тутади.

Очиғи, Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидай, орамизда ҳали-ҳануз қишлоқ хўжалигидан ортмайдиган, одамлар тақдири, фуқароларнинг турмуши, дарди билан қизиқмайдиган раҳбарлар оз эмас. Ва яна шундай раҳбарлар ҳам борки, ўз ҳузур-ҳаловатини, тинчини ҳамма нарсадан устун қўяди, матбуот нашрлари билан танишишни, дунёдаги воқеалардан хабардор бўлишни ортиқча ташвиш деб билишади. Ахир, раҳбар биринчи галда сиёсатчи, ўқимишли, дунёдаги, мамлакатдаги воқеалардан, ўзгаришлардан бохабар киши бўлиши, бу масалаларда ўзи етакчи бўлган жамоага намуна кўрсатиши лозим эмасми?

Касбим тақозосига кўра ҳар куни ўнлаб катта ёки кичик даражадаги раҳбарлар, етакчилар билан учрашишга тўғри келади. Уларнинг орасида, тўғриси киши ҳавас қиладиганлари ҳам ва аксинча, «кошкийди, шу одам билан бошқа учрашмасам», дея ният қилишга лойиқлари ҳам бор. Бўлар-бўлмасга йиғилишлар ўтказиб, мажлисдан бўшамайдиганлари, оғзидан боди кириб, шоди чиқадиганлари ҳам учраб туради. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деганлари ҳам шундан бўлса керак-да.

Ўйлаб қоламан: биз — раҳбармиз, раҳбарга эса юртига, элига, халқига хизмат қилишдан ўзга имтиёз берилмаган. Бинобарин, энг аввало, бугунги раҳбар, етакчининг ўзи ҳалол ва холис бўлиши, ҳар ишда адолат билан, инсоф билан иш тутиши, керак пайтда қаттиққўллик қилиб, лозим пайтда ғамхўрлик кўрсатиши керак. Шунга яраша бўлсак, ўзимизни шу талабларга муносиб тутсак, одамлар бизни ҳурмат қилади, ортимиздан эргашади. Акс ҳолда, кўпчиликнинг эътиборидан, назаридан қолиш ҳеч гап эмас.

Қаҳҳор РАВШАНОВ,
Гулистон тумани Машина-трактор парки акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

ЎзХДП ҳаётидан

ТАШАББУС, МАСЪУЛИЯТ, САМАРА

10 ноябрда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари ва пойтахт туман партия ташкилотлари фаоллари учун ташкил этилган семинар ўз ишини бошлади. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлар корпуси фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари тўғрисидаги масала семинар иштирокчилари диққат марказида бўлди. Асосий эътибор депутат корпуси ишларининг амалий жиҳатларига қаратилган.

Ўзбекистон ХДП мафкуравий принциплари ва дастурий устуворликлари қанчалик жозибадор бўлмасин, улар ўз-ўзидан партияга етакчиликни таъминламайди, деб таъкидланди семинарда. Сайловчилар эътиборини қозонишнинг асосий йўли — бу партиянинг ўз электорати манфаатлари йўлидаги фаолиятидир.

Партия янги Дастурида баён этилган сиёсий мақсад ва устуворликлар ниҳоятда аниқ бўлиб, **партия электорати** — ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишилар манфаатларига қаратилган. Шундай қилиб, партия ижтимоий сиёсатининг **мақсадлилиги** унинг одамлар кенг миқёсдаги ижтимоий манфаатларига қаратилганлиги билан белгиланади ва бу манфаатларга мос давлат ва жамоат фаолияти йўналишларини таклиф этади.

Тошкентда яшар эканмиз, қайд этдилар семинар иштирокчилари, ҳаммамиз шаҳарда аҳоли бандлиги масаласи қандай ҳал этилганлигини яхши биламиз. Масалан, маҳалламизда қанча одам иш қидириб юрибди? Маҳаллада бу барчага маълум. Болаларимиз мактабда ўқишади, биз партиямиз электорати фойдаланадиган соғлиқни сақлаш муассасаларидан тиббий хизмат кўрамиз. Яъни, биз мактаб таълими ва давлат тиббий хизмати аҳволини яхши биламиз.

Шуларнинг ҳаммасини била туриб, партия депутатлар корпуси бу ерда вужудга келадиган муаммоларни четлаб ўтишга ҳаққи йўқ. Пойтахт ижтимоий жабҳасида эса муаммолар етарлича тўпланиб қолган.

Мисол учун **аҳолининг бандлик масаласини** олайлик.

Расмий статистика маълум қилишича, Тошкентда меҳнат ресурслари бандлик даражаси 82 фоизни ташкил этади, бу мамлакатдаги мавжуд кўрсаткичдан 12 фоиз юқоридир.

Лекин, мазкур кўрсаткичлар ортида шундай жиддий салбий ҳолатлар борки, уларни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг апрель ойида бўлиб ўтган сессиясида мамлакатимиз Президенти куюнчаклик билан кўрсатиб ўтган эди.

Жорий йилнинг бошида меҳнат биржалари томонидан иш қидирувчи ва ишсизлар сифатида расман 47,7 минг киши рўйхатга олинган.

Чунончи, 2004 ва 2005 йилларда Тошкентда пойтахт мактабларининг 9- ва 11-синфларини тамомлаган 80 минг битирувчи ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома олдилар. Расмий нуқтаи назардан, бу ёшларнинг барчаси ишга жойлаштирилган ёки узлуксиз таълим олиш тизимининг навбатдаги босқичида ўқишни давом эттираётган ҳисобланадилар. Аслини олганда, уларни ишга жойлаштириш масаласи билан астойдил шуғулланилмаяпти.

Одат бўлиб қолган «анъана»га мувофиқ, аҳолининг бу тоифаси бандлиги тўғрисидаги ҳисоботлар халқ таълимини бошқариш органларига юклатилган. Улар эса умумтаълим мактабларидан тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этишни талаб қиладилар. Лекин, амалдаги бирорта қонунчилик ҳужжати томонидан битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласи умумтаълим мактаблари зиммасига юклатилмаган.

Бунда мактаблар ўзларига хос бўлмаган вазифалар билан шуғулланаётганлиги барчага равшан. Бу иш билан профессионал асосда шаҳар бандлик хизматлари шуғулланиши лозим.

Шуни қайд этиш керакки, йилдан йилга меҳнат биржаларига мурожаат қиладиганлар орасида олий маълумотлилар салмоғи ошиб бормоқда. Пойтахтда уларнинг ўсиш сони, экспертлар қайд этишича, фақат ўтган йилнинг ўзида 15 фоизни ташкил этди. Бу олий таълим муассасалари битирувчиларининг кўпчилиги, шаҳар халқ хўжалиги тармоғи томонидан талаб қилинмай қолаётганлигини кўрсатади.

Тошкент меҳнат бозоридаги вазият тўғрисида сўз юритганда, шуни кўзда тутиш лозимки, бандлик масаласидаги расмий статистика пойтахтда фақат доимий истиқомат қилувчи фуқароларни ҳисобга олади. Айни пайтда, Тошкентга ҳар куни иш қидириб, шаҳар «мардикор бозори»га пойтахт вилоятининг яқин туманлари, мамлакатнинг бошқа минтақаларидан кўплаб одамлар келишмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, Тошкент меҳнат бозоридаги вазиятни меҳнат органлари статистикаси кўрсатаётган маълумотга нисбатан анча мураккаб эканлигига эътибор қаратиш лозим.

Пойтахт меҳнат бозорида бундай кескин вазият мавжудлиги ва айни пайтда ишчи кучи таклифи ошаётган бир шароитда, деб таъкидланди семинарда, **янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича ишлар суст олиб борилмоқда**.

2-бет

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯСИ СОҲИБИ

Ислом КАРИМОВ: Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти IV курс талабаси **Марҳабо ЧЎЛИЕВА** 2005-2006 ўқув йилида бакалаврлар учун таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

У Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Илм қишлоғида оддий ишчи оиласида таваллуд топган. 2002 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқишга қабул қилинган. Ўнга яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган. Марҳабо немис, рус тилларида эркин сўзлаша олади. Ҳозирги вақтда «Картошка навларини уруғидан ўстириш технологияси» мавзуида илмий изланиш олиб бормоқда.

— Оддий қишлоқ қизининг камтарона меҳнатига, олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларига давлат даражасида эътибор берилиши талабаларимизнинг илм-фанга бўлган қизиқишини янада оширди. Марҳабо кейинги икки йил давомида ушбу йўналишда ҳеч ким эриша олмаган натижани кўрсатиб, мана шундай шарафли номга эга бўлди. Бу эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларда, жумладан, фермер хўжаликларини ривожлантиришга, соҳани етук кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганининг яна бир намунасидир, — дейди Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ректори, профессор Шоди Холиқулов.

Марҳабо магистратурада таҳсилни давом эттириш ниятида. Ёш тадқиқотчининг илмий мақолалари жамланган китоби нашр этилиш арафасида.

— Институтимизда ёш истеъдодларни тарбиялаш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Жумладан, профессорлар, фан арбоблари томонидан яратилган илмий мактаблари фаолиятига алоҳида аҳамият берилмоқда, — дейди институтнинг иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Нуриддин Рўзиқулов.

Бугун ўз истеъдоди, билими билан жаҳонни ҳайратлантираётган ўзбек ёшлари, эртага мамлакат таянчи, миллат ғурурига айланишига ишонамиз.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

ҲАМ ТАШҚИ, ҲАМ ИЧКИ БОЗОРГА

ФАРҒОНА (ЎзА мухбири М.Сулаймонов).

Қўқон шаҳридаги «Факел» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида нефть ва газ саноати учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Мавжуд имкониятлардан, яратилган шароитлардан оқилона фойдаланяпмиз, — дейди қўшма корхона ижрочи директори Григорий Ятсенко. — Айниқса, маҳсулотларимизни ички бозорга киритишга жиддий эътибор қаратганмиз. Корхонамизда бир йилда 10-12 минг дона турли хил винтеллар тайёрланмоқда.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариш қувватларини ошириш йўлида ҳам амалий ҳаракатлар бошланган. Яқинда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ИСО 9001 сифат сертификатига эга бўлди. Маҳсулотлар Россияга экспорт қилиняпти. Юртимиздаги нефть ва газ саноати учун турли хил эҳтиёт қисмлар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилмоқда. Янги йилдан бошлаб корхона маҳсулотлари ички бозорда ҳам ўз ўрнини эгаллайди.

Иқтисод ва ислоҳот

СИРДАРЁ: ПАХТАЧИЛИКДА ТУБ БУРИЛИШ

ЎН БЕШ ЙИЛЛИК «ТАНАФФУС»ДАН СЎНГ СИРДАРЁЛИК ДЕҲҚОНЛАР ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ЮЗАСИДАН ШАРТНОМАВИЙ РЕЖАЛАРИНИ БАЖАРИБ, ПАХТАЧИЛИКДА ТУБ БУРИЛИШ ЯСАДИЛАР. БУНГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛДИ? УЗОҚ ЙИЛЛИК ҚОЛОҚЛИК ОҚИБАТЛАРИ ҚАЙ ТАРЗДА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ?

Яширишга не ҳожат: қатор йиллар давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида вилоятда аҳвол мураккаб бўлиб келди. Тупроқнинг шўрланиш даражаси кучайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашди, ирригация-мелиорация тизими издан чиқди. Натижада ҳосилдорлик кўтарилиш ўрнига йилдан йилга камайиб борди. Шундай йиллар ҳам бўлдики, ҳар гектар пахта даласидан зўрга 11-12 центнердан ҳосил олинди. Бундан нафақат деҳқонларнинг, балки вилоят иқтисодиётининг ҳам аҳволи ночорлашиб бораверди. Ўтган йилнинг 26 ноябрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз бу масалаларга алоҳида тўхталиб, қолоқликнинг туб сабаблари, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини белгилаб берганликлари ҳам бежиз эмас эди.

Вилоятнинг янги раҳбарияти вазиятга тўғри баҳо берди, айтилганлардан хулоса чиқаришда адашмади. Натижада нисбатан қисқа вақт — бир йил ичида деҳқончилик, хусусан, унинг етакчи тармоғи пахтачилик соҳасида туб бурилиш ясашга эришилди. Кейинги ўн беш йил ичида илк маротаба пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган шартнома шарти ортиғи билан бажарилди. Юрт хирмонига 248 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Бир йил ичида ҳосилдорлик 6,6 центнерга кўтарилди. Рентабеллик 27,5 фоизни ташкил қилди. Ялпи ҳосилнинг 87 фоизи юқори навларга топширилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, вилоят бўйича пахтачиликнинг ўзидан олинадиган даромад 64,2 миллиард сўмни ташкил этаяпти. Шундан 13,8 миллиард сўмдан кўпроғи соф фойда бўлиши кутилаяпти. Бу — вилоят иқтисодиёти ўз қаддини тиклайди, халқнинг, жумладан, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, янги мактаб ва болалар боғчалари, шифохоналар, лицей ва коллежлар қуриш каби ижтимоий мақсадларга янаям кўпроқ маблағ ажратиш имкони бўлади, демакдир.

Шу ўринда ҳақли савол пайдо бўлади: қолоқлик қандай бартараф этилди?

2-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ТАШАББУС, МАСЪУЛИЯТ, САМАРА

Чунончи, 2004 йилда пойтахт бўйича 1264та янги иш ўрни яратилди. Бу эса меҳнат биржалари маълум қилган эҳтиёжнинг 3 фоизидан ҳам камроқдир. Айрим экспертлар фикрича, меҳнат органлари йил бошида иш ўринларига бўлган эҳтиёжга нисбатан 25 фоиз даражасида бўш иш ўринларига эга бўлганлар. Пойтахт туманларида ўтказиладиган иш ўринлари ярмаркалари ҳам катта самара бермаётир. Ўтган йилда ўтказилган 57 та меҳнат ярмаркасида, 1732 киши ишга жойлаштирилди, холос.

Уч ҳафта илгари шаҳар партия кенгаши пленумида қайд этилган бир хавотирли жараён эътиборни жалб қилади. Гап шундаки, охирги 10 йил мобайнида пойтахтдаги «Ташсельмаш», «Узбексельмаш» сингари қишлоқ хўжалик машинасозлик корхоналари, 1- ва 2-пойабзал фабрикалари, «Қизил тонг», «Юлдуз» тикувчилик бирлашмалари, Тошкент тўқимачилик комбинати ва бошқа корхоналарда саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сони сезиларли даражада қисқариб кетди. Яқингинада бу ва бошқа корхоналар 2-3 сменада ишлаб, минглаб одамларни доимий иш билан таъминлар эди. Бугун эса бу корхоналарнинг смена коэффициенти камида 2,5 марта камайиб кетди.

Яна бир хавотирлик нарса тўғрисида айтиш лозим. Яқингача пойтахтнинг энг катта супермаркетларидан бири — Тошкент Марказий универмагида 1- ва 2-пойабзал фабрикалари, «Қизил тонг», «Юлдуз» тикувчилик бирлашмалари, «Малика» трикотаж бирлашмасининг махсус секциялари фаолият кўрсатар эди. Бу корхоналарнинг маҳсулотларига талаб катта бўлиб, пойтахт истеъмол бозорини муайян даражада тўлдирар эди. Бугун эса бу маҳсулотни пойтахт супермаркетлари ва буюм бозорларидан деярли топиб бўлмайди, уларни четдан олиб келинган кийим-кечак, пойабзал ва трикотаж суриб чиқарган.

Яъни, юқорида қайд этилган ва пойтахтнинг бошқа корхоналарида ишчиларнинг лойиҳадаги сонини тиклаш масаласи нафақат меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигига дахлдор, балки ички истеъмол бозорида мамлакат ишлаб чиқарувчилари позициясини тиклашнинг устувор бош масаласи ҳамдир. Бу ҳақда И.А.Каримов халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида ҳам алоҳида тўхталиб, кийим-кечак, пойабзал, маиший электротехника маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарлари билан ички бозор эҳтиёжларини таъминлашда импорт салмоғи катта эканлигини қайд этди.

Семинарда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлар гуруҳи **уй-жой-коммунал соҳасига** алоҳида эътибор бериши зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Маълумки, бу соҳадаги ислоҳот мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги боскичи учун бош устуворликлардан биридир. Шуни айтиш керакки, жорий йилнинг ўзида мамлакат Президентининг ушбу соҳадаги ислоҳотлар самарасини оширишга қаратилган қатор қарор ва фармонлари қабул қилинди. Лекин пойтахтда бу ҳужжатлар рисоладагидек бажарилмаётир.

Чунончи, жорий йил апрельмай ойлари ҳолатига кўра, 1991 йилгача қурилган ва Президент Фармони ҳамда ҳукумат қарорига биноан 2001-2006 йилларда капитал таъмирлаш билан қамраб олиниши лозим бўлган уйларнинг 43 фоизи таъмирлаш билан қамраб олинмаган. Уй-жой қурилиши дастурлари бажарилиши ҳам орқада қолмоқда. Масалан, 2004 йилда уй-жой қурилиши бажарилиши кўрсаткичлари 2003 йилнинг 79 фоизи даражасида бўлди.

Бу кўрсаткичлар ҳақида гапирганда, пойтахт давлат бошқаруви идоралари кўпинча бу дастурларни амалга ошириш учун етарли бюджет маблағлари йўқлигини пеш қилишади. Шу муносабат билан қуйидагиларни қайд этиш лозим: тегишли ҳукумат қарорига биноан давлат мулкини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушадиган маблағларни тақсимлаш ва фойдаланиш тартибига мувофиқ, тегишли минтақаларни ривожлантиришга бу маблағларнинг 30 фоизигача бўлган миқдорини йўналтириш кўзда тутилган. Шуни қайд этиш лозимки, ажратилган маблағлар аниқ ижтимоий масалалар — 1991 йилгача қурилган уй-жойларни капитал таъмирлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламлари учун уй-жой қуриш ва пойтахт инфратузилмасини ривожлантириш каби масалаларни ҳал этишга мўлжалланган.

Аҳолига уй-жой-коммунал хизматларини кўрсатиш жабҳасида рақобат муҳитини яратиш жараёни жуда секин кетмоқда. Мамлакат Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатлари таркибини мақбуллаштириш ишлари ярим-ёрти бажарилмоқда. Бу иш асосан уй-жой мулкдорлари ширкатлари бирлаштирадиган уйлар сонини қисқартириш билан чекланди, холос. Бу эса уй-жой мулкдорлари ширкатлари сони пойтахтда 2 баравар ошишига олиб келди. Йил давомида, мустақил экспертлар баҳолашича, уй-жой мулкдорлари ширкатлари бирлаштирадиган хонадонлардан фақат битта хусусий корхона ташкил этилди, холос. Яъни, мамлакат Президенти қарорларидаги бу соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш бўйича қўйилган вазифаларнинг ҳал этилиши тўғрисида гапиришга ҳали эрта.

Пойтахт соғлиқни сақлаш тизими ҳам катта эътибор талаб этади, деб таъкидлади семинар иштирокчилари.

Семинарда қайд этилганидек, аҳоли назарида бепул даволашда соғлиқни сақлаш тизимининг марказий бўғини бўлган дастлабки тиббий ёрдам ўз мавқеини йўқотмоқда. Бепул тиббий хизмат кўрсатишда ошкора ва аниқ белгиланган тартиб йўқ. Бу эса ўз навбатида, беморларнинг кафолатланган бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини бузишга олиб келади.

Буларнинг ҳаммасини кўрган ҳолда, таъкидланди семинарда, депутатлар уларга берилган ҳокимият ваколатлари мавжуд муаммоларни ечиш учун қандай имкониятлар бериши тўғрисида ўйлаб кўрсалар, яхши бўлар эди. Депутат ваколатлари, ҳуқуқ ва вазифа доиралари кенг ва уларни амалга ошириш учун доим ҳаракатда бўлишликни талаб этади.

Юқорида қайд этилган саволларга ҳар гал жавоб топганда, депутатлар ўз ҳаракатларини ХДП сиёсий манфаатлари ва дастурий мақсадлари билан чамбарчас олиб борсалар, натижада партия ҳар бир ўз депутат тузилмаларидан қатъият билан кутаётган ташаббус келиб чиқади.

Партия, таъкидланди семинарда, 2004 йил сайловлари якуни бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ташкил этилган барча Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари дадил ва ташаббус билан ҳаракат қилишини истайди. Бу билан улар ҳаммага бу — бизнинг электорат — ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларнинг ҳаётий манфаатларига таалуқли масалаларда ўз аниқ позициясига эга сўл партия депутатлар гуруҳлари эканлигини исбот қилсинлар. Бунда энг асосийси танқид эмас, балки ҳокимият органларини ижтимоий масалаларни зудлик билан ҳал этишга даъват қилишдир.

Семинар ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Л.Ғуломов иштирок этди ва асосий маруза билан чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎзХДП ҳаётидан

ПАРТИЯВИЙ ФАОЛЛИК

ЎҚИБ-ЎРГАНИШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Шу йил 8-9 ноябрь кунлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилояти кенгаши халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлари гуруҳи аъзолари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг раислари ҳамда туман ва шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари иштирокида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзуида минтақавий семинар ўтказди.



Анжуман Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Н.Маъмуров кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Г.Аъзамова «Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсад ва устуворликларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлар гуруҳлари орқали амалга оширишнинг асосий йўналиш, шакл ва услублари» мавзуида маруза қилди.

Минтақавий семинарда депутат мақоми, ҳуқуқ ва бурчлари, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида партия вакиллиги, уларда партия гуруҳларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби, ушбу гуруҳларнинг ваколат доираси, ҳуқуқ ва вазифалари тўғрисидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ваколати доирасига кирадиган масалалар, уларни кўриб чиқиш учун масалаларни киритиш тартиби, аҳоли ўртасида диний, маърифий, маънавий-ахлоқий тарбияга оид ишларни олиб боришни ташкил этиш ва бошқа долзарб мавзуларда маърузалар тингланди, муҳокама ва мунозаралар бўлди.

Очиқ мулоқот тарзда ўтган анжуман иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Минтақавий семинарнинг иккинчи куни амалий машғулотлар, баҳс-мунозаралар ва тренинг билан якунланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: семинар ишидан лавҳалар.

Аъзамжон ТОШМАТОВ олган суратлар

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти» раҳбарлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда жамиятда аёлларнинг роли ва нуфузини ошириш, сиёсий

ЎзХДП: воқеалар, янгиликлар, хабарлар

партиялар фаолиятида уларнинг иштирокини кучайтириш, фаоллигини ошириш масалалари муҳокама этилди. Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аёллар ва ёшлар билан ишлаш секторининг ушбу масалалардаги таклиф ва мулоҳазалари баён этилди.

Сирғали туман кенгашида «Истиқбол» ёшлар экологик бирлашмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия туман кенгаши қошида фаолият юритаётган «Ҳаёт мактаби» ёшлар клубининг аъзолари қатнашдилар. Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ЁЭБ ташаббус гуруҳининг раҳбари Суҳроб Исмоилов тузилаётган бирлашманинг мақсад ва вазифалари ҳақида йиғилганларга ахборот берди.

Йиғилиш иштирокчилари туманда ёшлар экологик бирлашмаси бўлимини тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар ва Тошкент шаҳар «Истиқбол» ЁЭБ таъсис қурултойига делегатлар сайладилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

СИРДАРЁ: ПАХТАЧИЛИКДА ТУБ БУРИЛИШ

Суюн ЎСАРОВ — вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибияти мудири:

— Аввало, вилоятнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари ҳақида икки оғиз гап. Сирдарёни қўшни Тошкент, узоқроқ бўлган Бухоро ёки Фарғона билан солиштириб бўлмайди. Биринчидан, эски жойларда одамлар минг йиллардан бери истиқомат қилишади ва улар ота-боболари ишлаб ўтган ер шароити, тупроқ хусусиятини яхши билишади. Шунга яраша уларда деҳқончилик маданияти ҳам шаклланган. Қишлоқ инфратузилмаси масалаларида муаммолар кам. Бизда-чи? Бизда одамлар чўлни ўзлаштириш учун турли минтақалардан келишган. Бинобарин, деҳқонларимиз кўпи билан 40-45 йилдан бери ҳаёт кечиришаяпти. Эски ҳудудларда ерлар аллақачон ўзлаштириб бўлинган, уларда майдонларни текислаш, суғориш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зовур тозалаш, ёпиқ дренажларни ишлатиш, насосларни таъмирлаш, шўр ювиш сингари ортиқча ғалвалар, ташвишлар деярли йўқ. Бизларда эса ҳар қадамда, ҳар йили бу муаммолар деҳқонларимиз олдида кўндаланг туради. Ва яна собиқ Иттифоқ даврида бу сингари жуда кўп тадбирларни давлат, ҳукумат қилиб берар, уй-жойлар, мактаблар, клублар қурилиши ҳам шундай бўлар эди. Қолаверса, хўжаликларни норматив бўйича техника ва механизмлар билан таъминлашда ҳам янги ўзлаштирилган ерлар бўлганлиги учун бизга имтиёзлар берилганди.

Очиғи, одамларимиз ҳам шунга ўрганиб қолаёзганди. Кўпчиликда давлат қилиб беради, давлат қуриб беради, деган боқимандалик кайфияти пайдо бўлганди. Оқибатда жойларда эгасизлик, хўжасизлик, лоқайдлик сингари иллатлар «палак ёзди». Ўша кезларда дала шийпонларида минерал ўғитларнинг очилиб-сочилиб, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг тўкилиб ётишлари одатий ҳолга айланганди. Таъминот идораларидаги талон-торожликларнику, қўяверинг. Ҳар томондан келган, бир-икки йил ишлаб, кейин барибир киндик қоним томган жойга кўчиб кетаман, ҳозирча тўрт-беш сўм орттирай, деган илинжда юрган одамларнинг эса булар билан сариқ чақалик иши бўлмасди.

Аммо, ҳар қандай нарсанинг ҳам охири бўлганидай собиқ Иттифоқ таназзулга учраб, таъминот издан чиққач, боқимандаликка ўрганган айримлар аввалига карахт ҳолга тушиб қолдилар. Сўнг мамлакат бўйлаб хусусийлаштириш шамоллари эса бошлади. Энди тайёрига ўрганган кимсалар давлат мулкидан ниманидир «юлиб» олишга, хусусий мулк орттиришга ружу қўйдилар. Ўша кезларда юзлаб, минглаб тракторлар, бошқа хил қишлоқ хўжалик техникалари талон-торож бўлиб кетганлиги ҳам бор гап. Бу нарсани бир пайтлари беш мингдан ортиқ ҳайдов трактори бўлган вилоятда бор-йўғи 400-420 та шундай трактор қолган пайтлар бўлганлиги ҳам тасдиқлайди. Оқибатда нима бўлди? Трактор етишмаслиги сабабли юзлаб, минглаб гектар ерлар ҳайдалмасдан қолиб кетди. Шудгорланмаган бундай майдонларнинг шўри юзага кўтарилди. Зовурларнинг тозаланмаслиги, ёпиқ дренаж тармоқларининг ювилмаслиги, насосларнинг ишдан чиқишидан экин майдонлари унумдорлигининг кескин пасайиши кузатилди.

Нима қилмоқ керак? Қандай қилиб вазиятни ўнглаш, одамларда шаклланиб улгураёзган боқимандалик ҳиссиётига, жойларда ҳукм сураётган хўжасизликка барҳам бериш, деҳқонлардаги тушкунлик кайфиятига чек қўйиш мумкин? Қай тарзда машҳур Собиржон Сиддиқов, Қўзибоқар Синдоров, Турсунбой Латипов каби пахтачилик усталарининг шогирдлари, давомчилари бўлган юзлаб, минглаб сирдарёлик пахтакорларнинг руҳиятини кўтариб, уларда ўз меҳнатларига, тажрибаларига ишончу, эртанги кунларига умид уйғотса бўлади? Вилоят ҳокимлиги, қишлоқ хўжалигига мутасадди вилоят бошқармалари ва ташкилотлари олдида худди шундай мураккаб саволлар турарди.

Баҳодир БЕГМАТОВ, Гулистон туманидаги «Орол» фермер хўжалиги раҳбари:

— Вилоятимиздаги саккиз мингдан ортиқ фермер хўжаликларининг вакили сифатида шуни эътироф этишни истардимки, бу йил вилоят деҳқончилигида аҳвол тубдан ўзгарди, олдинлари тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ишлар амалга оширилди. Ўзгаришлар сабаби авваламбор, ер ва сувдан, моддий ресурслар, мавжуд техника ва механизмлардан самарали фойдаланиш, мўл ҳосил гарови бўлган ирригация ва мелиорация масалалари, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари таъминотининг тўғри йўлга қўйилганидан деб ўйлайман. Бу каби ишлар нафақат тўғри ташкил қилинди, балки улар бевосита деҳқоннинг манфаатига, ернинг ҳосилдорлигига хизмат қилдирилди. Айтайлик, энди сув, минерал ўғит, техника ва механизмлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, ҳатто, иш ҳақи учун фермер вақтини, маблағини, сарфлаб туман марказига бориб юрмайди. Шу мақсадлар учун вилоят бўйича 55 та минибанк, 76 та фермерларга ёнилғи тарқатиш шахобчаси, 75 та муқобил машина-трактор парки, 48 та минерал ўғит тарқатиш шохобчаси, 77 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси хизмат қилаяпти. Буларнинг ҳаммаси аслида, ишлайман деган одамга яратилган қулайлик, имконият, шароит эмасми?

Шунинг учун бўлса керак, бу йил фермерлар орасида давлатга пахта топшириш бўйича шартнома режасини сентябрь ойидаёқ уддалаб қўйган, ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнердан ҳам оширганлари кўп бўлди. Ўзимнинг фермер хўжалигимда эса 35 гектар майдондан режадаги 80,5 тонна ўрнига 124,6 тонна юқори сифатли пахта тайёрлашга эришдик. Пахтачиликдан 26 миллион сўмдан зиёд фойда олишни мўлжаллаяпмиз.

Абдураззоқ АБДУНАЗАРОВ, Боёвут тумани ҳокими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди:

— Тўғрисини айтганда, Юртбошимиз, ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигига бўлган эътибори, тармоқда ишлаётганларга нисбатан ғамхўрлиги ютуқларимизнинг бош сабабчиси бўлди. Фермерларни техника ва механизмлар билан таъминлаш яхшиланиб бораяпти. Жумладан, ўтган қишдаёқ вилоятимизга имтиёзли кредит билан 42 та экскаватор, 10 та бульдозер, 250 та сеялка, лизинг асосида кўплаб трактор ва эҳтиёт қисмлар олиб келинди. Сўнгра кейинги 15-20 йил ичида тозаланмаган ўнлаб километр зовурлар тозаланди, дренаж тармоқлари ювилди. Сув, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари иш ҳақи тақсимотидаги қинғирқларнинг пайи қирқилди. Йиғим-терим даврида терилган пахта учун иш ҳақининг ҳар куни берилиши сафарбарликнинг юқори, ишнинг унумли бўлишини таъминлади.

Шулар ҳисобига, шу каби ташкилотчиликлар эвазига ўғит ва сувга тўйинган ғўзалар гуркираб ўсди, мўл ҳосил тўпланди ва ниҳоят пахта тайёрлаш бўйича шартнома режаси 27 иш кунида адо этилди. Туманимизда эса 16917 гектар пахта майдонидан 43 230 тонна ўрнига 43 695 тонна ҳосил териб олинди. Ёки олдинги йили пахта тайёрлаш режаси 77,8 фоизда қолиб кетган бўлса, бу йил 102 фоиз қилиб адоладанди. Бир йилда ҳосил салмоғи 10 минг тоннага кўпайди, соф фойда қарийб 4 миллиард сўмга етди.

Жўрабек УСМОНОВ, «Пахтабанк»нинг Деҳқонобод бўлими бошқарувчиси ўринбосари:

— Таҳлил қилиб кўрсам, ҳеч қачон фермернинг қўли бу йилгидай мўмай пул кўрмаган экан. Тунов куни Марказий Банкнинг вилоят бўлимида бўлган йиғилишда жорий йилда фермерларга пахта хомашёси етиштириш учун вилоят миқёсида 20 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилиб, ушбу маблағ улар томонидан тўлиқ ишлатилганлигини айтилгани ҳам буни исботламайдими? Ёки вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан бу йил тажриба тариқасида теримчиларни рағбатлантириш мақсадида терилган пахта учун иш ҳақининг кунма кун бериб борилгани ва бунинг учун жами 12 миллиард 120 миллион сўм нақд пул сарфланганини айтмайсизми? Энди бевосита ўзим ишлаётган банк бўйича айтсам, 227 та пахта етиштирадиган мижозимизга 7793 тонна пахта теришни таъминлаганликлари учун 415 миллион 500 сўм нақд пул тарқатдик. Туман бўйича олганимизда 28.043 тонна пахтани теришда иштирок этганларнинг иш ҳақи учун 1 миллиард 284 миллион сўм нақд пул сарфланди. Пахта терими даврида биргина Раҳмон Юнусов раҳбар бўлган «Юнус» фермер хўжалигига теримчиларга тарқатиш учун 11 миллион 570 минг сўм берилди. Ёхуд Ҳамид Норжигитов раислик қилаётган «Дўстлик марвариди» фермер хўжалиги бўйича 185,5 тонна хомашёни теришга 11 миллион 235 минг сўм нақд пул сарфланди. Бундай мисоллар жуда кўп. Кўриниб турибдики, бу йил фермернинг ҳамёни яхшигина пул кўрди. Бундайларга ҳар қанча тасанно айтсанг арзийди, «Топганингиз тўйларга буюрсин» десанг ярашади.

Қодирқул ЭРАЛИЕВ, Боёвут туманидаги «Боғзор» фермер хўжалиги раҳбари:

— Нимасини айтай... Очиғи, бугун фермерга яратилаётган шароитдан, берилаётган кўмақдан беҳад миннатраяпти. Буни вилоятимиз пахтачилиги тажрибасида ҳам кўрса бўлади. Масалан, бу йил 115.300 гектар ердан олинган ялпи пахта ҳосилининг 98 фоиздан кўпроғи фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келди. Шундан ҳам кўриш мумкинки, бугун фермерни том маънода ер эгаси, мулкдор дейишга асос бор. Аммо, унутмайликки, беш қўл баробар эмас.

Фермер бўламан, деб кўкрагига уриб, майдонга чиққан айрим ҳамкасбларимиз ер билан «тиллашиш»нинг кўп ҳам уддасидан чиқолмаяптилар, ўзларини ҳам, давлатни ҳам алдаяптилар. Бундайларга қарата «Ернинг умрини беҳуда ўтказманг, уволи тутади, қўлингиздан келмадими, ерни эгасига топширинг» дегим келади. Тўғри, бу масалада ҳам вилоят ҳокимлигининг қатъий позицияси бор. Ваъдасини удда қилолмаган, шартнома режасини бажармаган, шунча ёрдам, шунча сарф-харажатдан кейин ҳам кутилган ҳосилу, даромадни ололмаган фермерларнинг ери муносиб кишиларга, меҳнаткаш қўлларга берилаяпти.

Шу ўринда айрим ҳамкасбларимнинг «мен ишлаётган ернинг мелиоратив аҳволи ёмон, шўрланиш даражаси юқори эди» дегандай гапларини, ўзларининг уқувсизликлари, тадбирсизликларини хаспўлашга бўлган уринишларини эшитиб қоламанки, бу ҳолатни деҳқон сифатида оқлай олмайман. Нимага дейсизми? Яқинда Қуйи Сирдарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси бошлиғи Аваз ака Мустанов билан бўлган учрашувда у киши бир йилдирки, вилоятда экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўр ювиш, зовур тозалаш бўйича кўп иш қилинаётганини айтиб ўтдилар.

Бу одамнинг гапларига қараганда, айни пайтда вилоят ҳудудида 124 та экскаватор, 9 та троллер, 20 дан зиёд бульдозер ва бошқа хил техникалар шу ишлар билан банд. Ўтган ўн ойда жами 1,43 миллиард сўмлик ҳажмда иш бажарилган. Ёхуд 462 километр узунликдаги зовурлар тозаланган, 5 километр узунликдаги зовурлар таъмирдан чиқарилган. 7 та сув олиш гидротехник иншооти қурилган, 15 та насос станцияси реконструкция қилинган. Атиги ўн ойда шунча иш қилинсаю, сиз билан биз «еримиз шўрланиб бораяпти, экин майдонимизнинг мелиоратив ҳолати ночор» деб қўл қовуштириб ўтирсак, ўзингиз айтинг, шу инсофданми? Аксинча, сизу бизнинг манфаатимизни деб, турмушимизнинг фаровонлигини ўйлаб қилинаётган бу каби ишларда баҳоли қудрат иштирок этсак, кўмак берсак, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласак, тўғри бўлмайдими?

✧✧✧

Бугун фидойиларга хос меҳнат, уюшқоқлик, ташкилотчилик, тадбиркорлик эвазига кўп йиллик қолоқлик доғини ювган сирдарёлик пахтакорлар хурсанд. Эришилган ютуқдан деҳқонман, унга кўмакдошман, у билан ҳамкорман, деган борки, кўкси тоғдай кўтарилган. Улар меҳнати ҳийла оғир бўлган пахтачилик ернинг ҳақиқий эгалари — фермерларга кўп нарса берганлигини, энг муҳими эса, кутилаётган даромад, мўлжалланаётган соф фойданинг чўғи баландлигини қувона-қувона таъкидлаяптилар. Фермерларнинг ўзлари эса меҳнатлари эвазига келаётган даромадларига тўю-томошалар қилиш, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш, дам олиш уйлари, сиҳатгоҳларга бориш, мактабларга, болалар боғчаларига, шифохоналарга ёрдам бериш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотганларга кўмаклашиш ниятида эканликларини айтишаяпти. Буни биз билан суҳбатда бўлган Наврўз қишлоғидаги 68-фермерларга ёнилғи тарқатиш шахобчаси оператори Норжигит Пирматов, Гулистон тумани машина-трактор парки ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Қаҳҳор Равшанов, Боёвут тумани «Қишлоқхўжаликкимё» корхонасига қарашли 14-фермерларга минерал ўғит тарқатиш шахобчаси мудири Мавлонқул Акрамов ва бошқалар ҳам мамнуният билан гапиришди.

Айни дамларда вилоят пахта далаларида кузги шудгорлаш ишлари қизғин давом этаяпти. Бу муҳим агротехник тадбирни оби-тобида, сифатли ўтказиш орқали келгуси йил мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда. Демак, янаги йилда бу йил эришилган ютуқларнинг кўпайишига, вилоят пахтачилигида юз берган туб бурилишнинг янада мустаҳкамланишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳуқуқий билим

КАССАЦИЯ ҚАНДАЙ БОСҚИЧ?

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда чиққан «Судлар тўғрисида»ги қонунига кўра, кассация инстанцияси тушунчасига ҳам ўзгартириш киритилди. Унга асосан, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли бўлади.

Кассация французча **casser** сўзидан олинган бўлиб, **синдириш, бекор қилиш** маъносини англатади. Кассация суди ишнинг фактик ҳолатларини исботланганлик ёки исботланмаганлик томонидан эмас, балки шу ҳолатлар аниқланишидаги қонунийликни текширишни, жиноят иши юритишга доир босқичларнинг сақланишини асосий вазифа қилиб қўяди. Кассация тартибида иш юритишнинг апелляция тартибида иш юритишдан фарқи ана шунда. Апелляцияда юридик ва фактик ҳолатлар эътиборга олинса, кассацияда фақат юридик асослар мавжуд бўлганда шикоят берилиши мумкин.

Кассация тартибида иш юритишни кўпинча «суд назорати» ёки «юқори турувчи судларнинг қуйи судлар устидан назорати» деб аташ ҳам мумкин, бу атамалар бир-бирига ўхшаш.

Кассация тартибида иш юритиш — юқори судларнинг қуйи судлар устидан назорат воситаси бўлиб, у йўл қўйилган хатоларни тезда тузатишга ва суд фаолиятининг иш сифатини оширишга имкон беради. Кассация инстанцияси судлари асосан қонуний кучга кирган ҳукм ва ажримларнинг қонунийлиги, асослилиги, адолатлилигини текширади.

Кассация тартибида иш юритиш процессда мажбурий босқич ҳисобланмайди. Чунки ишнинг кассация тартибида кўрилиши процесс қатнашчиларининг иродасига боғлиқ эмас. Кассация инстанцияси суди ҳам биринчи инстанция судида чиқарилган ҳукмнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш мақсадида ўз ташаббуси билан ишларни сўраб олишга ҳақли эмас. Ташаббус кўрсатиш ҳукм ва ажримлар устидан шикоят ва протестлар бериш ваколатига эга бўлган шахслар қўлида бўлади.

Бу барча ноқонуний ва асосланмаган ҳукмлар кассация текширувидан ўтиши керак, дегани эмас. Аксинча, шикоят ва протест келтирилмаган ҳукмлар қонуний ва асосланган дейилиши ҳам нотўғри бўлади. Чунки барча ҳукм ва ажримлар процесс қатнашчиларининг процессуал манфаатларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Кассация инстанциясининг ўзига хос хусусиятлари — шикоят бериш эркинлигининг мавжудлиги, ишлар тафтиш асосида кўрилиши; тарафлар тенг ҳуқуқлилиги таъминланиши, маҳкум аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўтилмаслиги, энг муҳими, ҳукм, ажрим (қарор) қонуний кучга киргандан кейин ҳам бир йил давомида шикоят бериш ва протест келтириш имкониятларининг мавжудлигидир.

Муҳаррам САТТОРОВА,
юридик фанлари номзоди

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШ — ҚУТ-БАРАКА ЙЎЛИ

ЁКИ «УРГАНЧ ЁҒ» ОАЖ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ ҲАҚИДА

Бу йил Хоразм вилояти пахтакорларининг қувончи чексиз. Улар қарийб 300 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, шартномавий режани мамлакатда биринчилар қатори бажаришди.

Табиийки, бундай ютуқдан пахтани қайта ишловчилар, айниқса, хорижий инвестиция иштирокидаги «Урганч ёғ» очиқ акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари ҳам хурсанд. Зеро, пахта мўл бўлса, чигит ҳам мўл бўлади. Бу эса пировардида, корхона омборларига келадиган хомашёнинг сероб бўлишини таъминлайди.

Ташаббускорлик ва омилкорлик — жамият ишчи-хизматчилари фаолият доирасининг асоси бўлмоқда. Корхона — ўзлариники, мулк — ўзлариники, демакки, ҳар бир дастгоҳ, ҳар бир асбоб-ускуна кўз қорачиғидай қаровда. Истеъмолчиларга бир мисқол ҳам сифатсиз маҳсулот етиб боришга йўл йўқ. Инчунун, тайёрланаётган маҳсулот юзасидан бирор-бир эътироз ёки норозилик ҳам бўлмаётир.

Жамиятнинг механика цехида ўз ишининг усталари кўп. Улар нафақат ўзларининг ишдан чиқиб қолган дастгоҳ ва технологик линияларини, балки қўшни корхоналардаги дастгоҳларни ҳам таъмирдан чиқариб, корхоналари бойлигига бойлик қўшмоқдалар.

Мустақиллик шарофати билан кейинги йиллар ичида бу ерда ажабтовур ўзгаришлар юз берди. Авваллари корхонада фақат тозаланмаган ёғ ишлаб чиқариларди. Кейин ярим литрли шиша идишларга ҳам тозаланган ёғ қуйиш линияси ишга туширилди ва экологик жиҳатдан тозаланган, доғланган маҳсулотлар шу ернинг ўзида полиэтилен идишларга қуйиладиган бўлди. Ёғни идишларга қуйиш ва уларга ёрлиқлар елимлаш жараёнлари автоматик усулда бажариляпти. Энди кунига 50 тоннагача ёғни полиэтилен идишларга қадоқлашга эришиляпти.

Мойжувоз цехида асосан қора ёғ ишлаб чиқарилади. Аслида мазкур цех — корхона юраги. Чигит қовуриш, уни пресслаш юмушлари шу ерда бажарилади. Қора ёғ ўз навбатида оқлаш цехига, кунжара эса қайта тозалаш учун экстракция цехига юборилади. Тозалаш ва оқлаш цехида ёғ тўла оқланиб, рафинация қилинади. Ёрдамчи цехда ёғ доғланиб, истеъмолга яроқли ҳолга келтирилади.

Корхонада чиқиндисиз технология йўлга қўйилган. Буни биз экстракция цехида кўрдик. Маълумки, чигитдан ёғ олингандан сўнг кунжара таркибида анчагина маҳсулот қолиб кетади. Илгари корхона бўйича чигитдан 65-70 фоиз ёғ олинарди. Ёғнинг бир қисми эса кунжара таркибида қолиб кетарди. Кейинчалик ана шу кунжарадан 25 фоизгача техник ёғ ҳосил қилинарди. Лекин замон талаби барча имкониятларни ишга солишга ундаётир, бундан 4 йиллар аввал янги технологик линия ўрнатилиши натижасида техник ёғни истеъмол ёғига айлантиришга эришилди. Бу — билан истеъмол ёғи олиш миқдори 95-98 фоизга етди. Бу мураккаб технология бўлиб, тоза маҳсулот олиш учун кунига 6 тоннагача экстра бензин сарфланади. Худди шу ернинг ўзида совун цехининг асосий хомашёси ҳисобланмиш — сопсток ҳам ишлаб чиқарилади.

Сопсток — совун учун асосий хомашё бўлиши билан бирга, ундан халқ хўжалиги учун зарур бошқа кимёвий маҳсулотлар ҳам тайёрлаш имкони борлиги маълум бўлиб қолди. 3-4 йилки, мамлакатимизга хорижий давлатлардан валюта эвазига келтирилаётган олеин, пальмитин кислоталари ва гудрон энди шу цехда тайёрланади. Бу — чиқиндисиз технология ўзлаштириб олинганлигидан далолат.

Акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган хўжалик совунининг харидорлари бугун ҳатто қўшни давлатларда ҳам кўпайиб бормоқда. 400 граммли қадоқланган 60 фоизли совунлар бозори чаққонлашиб қолди. Масалан, ўтган йили мижозларга 4266 тонна хўжалик совуни сотилди.

Тайёр маҳсулот миқдори бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Бироқ, сопсток ҳамда бошқа аралашмалар корхона имкони даражасида тайёрланаётгани учун каустик сода муаммоси маҳсулот таннархи ошиб кетишига олиб келмоқда. Бу эса корхонага анча қимматга тушмоқда. Кўнгиротда бунёд этилаётган улкан сода заводи ишга тушса, бу масала ҳам ижобий ҳал бўлиши муқаррар.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан, технология ва асбоб-ускуналарни янгиламасдан туриб бирон-бир замонавий корхона рақобатга бардош беролмайди, ўз истиқболини кўролмайди. Ҳамонки, сифатли ва жаҳон андазаларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш замон талаби экан, корхонадагилар бу борада ҳам муайян ижобий ишларни амалга оширишмоқда.

— 2003 йилда ўтказилган халқаро тендерда Швейцариянинг «Loil LTD» компанияси ғолиб чиқди, — дейди **хорижий инвестиция иштирокидаги «Урганч ёғ» ОАЖ директори Отабой Ражабов**. — Сармоядорлар корхонамизга 1117 минг АҚШ доллари ҳажмида инвестиция киритиш мажбуриятини олди. Корхонамиз Устав фонди акциялари назорат пакетининг 50,2 фоизига эгалик қилди. Киритилган бир миллион 117 минг АҚШ доллари ҳажмидаги инвестицияни корхона ривожи учун сарфлаяпмиз. Бу масала барча мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилиб, экстракция цехига битта экстрактор, 5 та пресс ва 2 та вакуум насослари харид қилишга келишиб олинди. Ҳозир уларни етказиб берувчиларга тегишли маблағлар ўтказилди.

679 минг АҚШ долларига Россия Федерациясидан 1 дона «Б6-МЭМ-400/1» русумли экстрактор сотиб олинди ва ҳозирги кунда экстракция цехига ўрнатилди ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида синовдан ўтказилмоқда. Американинг «SKET» фирмасидан қиймати 310 минг евро турадиган «ЕТР-20,16» русумли 2 та пресс олинаяпти. Тузилган шартномага асосан бу пресслар шу йилнинг декабрь ойида етиб келади.

Бундан ташқари, инвесторлар кўмагида корхонамиз қатор солиқ турларидан ҳам озод бўлди. Ана шу маблағлар корхона ривожига ишлатилади. Чунончи, яна 3 та «ЕТР-20,16» русумли пресслар олинаяпти. Тузилган шартномага асосан 3 та пресс механизми яқин кунларда корхонамизга келиб тушади.

Шунингдек, Чехия Республикасининг «SIGMA GRUPP» компанияси билан келишувга кўра, қиймати 30720 АҚШ доллари турадиган 2 та «200-SZ-500-500-LC-00-4» русумли вакуум насоси олинди. Россия Федерациясининг «Продвижения» масъулияти чекланган жамиятидан 5 литрлик идишларга ёғ қадоқлаш линияси ускуналарини олиш контракт шартномаси тузилган, бунинг учун маблағ аллақачон ўтказилди ҳам...

Корхонага инвестиция киритилгач, ишлаб чиқариш шароитлари, ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига эътибор кучайди. Натижада, унумдорлик ошиб, маҳсулот сифати ва миқдори ошиши таъминланмоқда. 2005 йилнинг тўққиз ойида 11299 тонна пахта ёғи (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 185,5 фоиз) ва 4817 тонна хўжалик совуни (бу ҳам 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 110,6 фоиз) ишлаб чиқарилди. Айни пайтда йилига 135 минг тонна пахта чигити ва 40 минг тонна соя донини қайта ишлаш ҳам мўлжалланаётир. Хомашё билан таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилиб, четдан арзонроқ нархларда соя дони сотиб олиш йўллари қидирилмоқда.

Яқинда жамиятда маҳаллий хомашё асосида бир кеча-кундузда беш тоннагача алиф ишлаб чиқариш қувватига эга цех ишга туширилди. Шу йилнинг тўққиз ойи давомидаёқ бу ерда 511 тонна алиф ишлаб чиқарилди.

Биз сўз билан айтганда, йилнинг сўнгги чорагида ҳам корхона меҳнат аҳли йил охиригача 50-55 минг тонна чигитни қайта ишлаб, ҳар йилгидан кўп миқдорда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган. Бу йўлда пайвандчи Семен Ким, экстракция цехи аппаратчиси Сапарбой Юсупов, Шароф Раҳимов, Шариф Отажонов сингари ўз ишининг усталари барчага намуна бўлишаяпти.

Яна бир гап. Эндиликда корхонанинг шелуха, кунжара сақланадиган омборлари ёнида юзлаб машиналар, трактор тиркамалари навбат кутиб турмайдиган бўлди. Вилоятнинг барча туманларидан келган ширкат хўжаликлари вакиллари, фермерлар ва оддий фуқаролар ўз чорва молларига шелуха ва кунжара сўраб корхона раҳбариятига мурожаат қилиб юрмайдилар. Ўз ҳақини ўзлари керак пайтда бемалол олиб кетишади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан 2005 йил пахта ҳосилидан ширкат ва фермер хўжаликларига тегишли бўлган пахта ёғи, шрот ва шелуха сингари маҳсулот турлари махсус шохобчалар орқали етказиб бериладиган бўлди. Айни пайтда корхона томонидан вилоят бўйича 11 та шохобча очилди. Маҳсулотлар корхона транспортида манзилларига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Корхонанинг барча тармоқларида замонавий компьютерлар, телефонлар ишлаб турибди. Иш участкалари автотранспорт, тош-тарозилар билан тўла таъминланган. Ажратиб берилган бинолар қисқа муддатда таъмирлаб, шай ҳолга келтирилди. Бу саъй-ҳаракатлар шубҳасиз, жамият меҳнат аҳлининг Сиҳат-саломатлик йилини юксак натижалар билан якунлашларидан ёркин далолат бериб турибди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

XORIJDA

ЎН ТЎРТ ЙИЛДАН КЕЙИН

14 йил давом этган фуқаролар урушидан сўнг Либерияда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Унда икки номзод кураш олиб борди. Бири собиқ футболчи Жорж Веа бўлса, иккинчиси Эллен Жонсон-Серлиф хоним. Агар Эллен ғолиб чиқса, Африка қитъасида биринчи аёл-президент ҳисобланади.

BBC News сайтидаги хабарда ёзилишича, сайлов жараёнларини бир неча минг хорижий кузатувчи назорат қилиб борди. Хавфсизликни сақлаш учун эса БМТ тинчлик кучларининг 15 минг аскари ва Либериянинг 3 минг полицияси жалб қилинди.

Октябрь ойида сайловнинг биринчи тури бўлиб ўтган эди. Унда 22 номзод ўзаро кураш олиб борди.

Иккинчи тур сайловлари натижалари икки ҳафтадан сўнг эълон қилинади.

КУЧАЙТИРИЛГАН ТАРТИБ ДАВОМ ЭТАДИ

Озарбайжон Республикасида сайлов арафасида мухолифатчи партиялар томонидан тузилган учта блок — «Азадлыг», «Ени сиясет» ва «Миллий бирлик» блоклари эндиликда бирикиб, мухолифатдаги ягона «Демократик фронт» ташкил этаётгани ҳақида «Тренд» ахборот агентлиги маълум қилди. Бу «Демократик фронт» 6 ноябрь куни мамлакат парламентига бўлиб ўтган сайлов натижаларини бекор қилиш ва янги сайлов ўтказиш учун кураш олиб боришни ўзига бош мақсад қилиб қўйди.

«Демократик фронт» тузиш бўйича чақирилган мажлисда 200 га яқин депутатликка номзод ҳам иштирок этди.

Улар тинч йўл билан қонуний асосда кураш олиб боришмоқчи, яъни 12 ноябрдан 15 ноябргача Бокуда кўпчилик иштирокида митинг ўтказишмоқчи, 16 ноябрда эса сайлов жараёнларида ҳуқуқи бузилган номзодларнинг умумий форумини ўтказишни режалаганлар.

Яна бир гап. Озарбайжон ички ишлар вазири Рамил Усубовнинг айтишича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кучайтирилган тартиби ҳали амалда сақланиб қолади. У сайловдан олдин эълон қилинган ва 10 ноябрда бекор қилиниши керак эди. Бироқ ички ишлар вазири ўринбосари Аскер Алекперов шуни алоҳида таъкидладики, мамлакатда осойишталикни бузувчи кучлар ҳали жунбушда, шунинг учун кучайтирилган тартиб амалда бўлади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Кеча пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларининг миллий стратегиясини жорий этиш» мавзуида халқаро анжуман ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Осиё Тараққиёт банки ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур анжуман Ўзбекистон таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг ишлаб чиқилган ва муҳокамага қўйилаётган миллий стратегиясини татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган. Ушбу лойиҳа таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, дарсликлар бўйича мультимедиа воситаларини яратиш, ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчининг компьютер ва интернет хизматидан унумли фойдаланишига эришиш ҳамда янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтиш методикасини жорий этиш каби долзарб вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Лойиҳага кўра, республикамиздаги мавжуд 9748 та мактабни ҳудудий жиҳатдан бир-бирига бирлаштирадиган 860 та таянч мактаблар белгиланиб, уларда барча умумтаълим мактаб ўқувчилари ва қарийб ярим миллионга яқин ўқитувчининг электрон таълим олиши йўлга қўйилади.

Конференцияда ахборот-коммуникация технологиялари миллий стратегиясини Ўзбекистон таълим тизимида жорий этишдаги бугунги ҳолат, таълим ва молиявий масалалар, ўқув дастури ҳамда уни ахборот технологияларини жорий этишга мослаштириш, мактабларда электрон таълимни йўлга қўйиш учун яратилаётган шароитлар, шунингдек, телекоммуникация имкониятларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш каби масалалар юзасидан маърузалар, мулоқотлар бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Анвар САМАДОВ

Орамиздаги одамлар

ИНСОН ФИДОЙИ БЎЛСА...

ЁКИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ СОҲИБИ, ХДП ФАОЛИ САМАД БОЗОРОВНИНГ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲА

Инсон тиришқоқ бўлса, жазм этган ҳар бир ишни уддалайди. Самад ҳам ана шундай хислати билан ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонганлардан.

У 1974 йил ҳарбий хизматдан сўнг Тошкент электротехника алоқа олийгоҳига ўқишга кирди. Ўн йилча Қарши эксплуатация техника алоқа боғламасида муҳандис, участка бошлиғи вазифаларида ишлади.

— Бу йиллар давомида, — деб хотирлайди ў, — вилоятнинг Нишон, Қарши, Касби, Миришкор туманларида қурилган янги ҳаво алоқа линияларида иш ўргандим, тажриба орттирдим. «БМ-4», «БСА» симларини тортиш ва каналлар сонини оширишга хизмат қилувчи «ОВ-12-3», «ЛВК» ускуналарини монтаж қилиш жараёнларини ўзлаштирдим. Ғузор, Қамаши, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Косон, Муборак, Нишон, Қарши, Касби, Миришкор туманларига «МКТС-4», «МКСБ-4Х4» кабеллари ётқизилиб, кўп каналли «К-60», «К-300» ускуналари ҳаракатга келишига баҳоли-қудрат ҳисса қўшдим...

1989-1999 йилларда Самад Бозоров Қашқадарё вилояти материал техника алоқа таъминот корхонасини бошқарди. Бу йилларда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида воҳа алоқачилари учун 132 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Қарши шаҳрида республикада биринчилардан бўлиб, АМТС «кварц» станцияси ишга туширилди. Бундан ташқари, Помуқда алоқа уйи қурилиб, 1500 сиғимли янги рақамли АТС ва Шаҳрисабз шаҳрида ўн минг сиғимли Алкатель русумидаги рақамли АТСлар иш бошлади.

— Устоз 1999 йилдан буён «Қашқадарётелеком» филиалида капитал қурилиш ва таъмирлаш муҳандиси бўлиб ишлаб келмоқда, — дейди филиалнинг лойиҳа ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Тўйчи Йўлдошев. — У киши бу ерга келгандан буён Қарши шаҳри, Китоб, Яккабоғ, Қамаши туманларида рақамли АТСлар ишга туширилди. Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши туманларида алоқа миноралари ўрнатилиб, улар оралиғида рақамли алоқа берувчи РРЛ линияси тортилди. Қарши шаҳрида 192 квадрат метр саҳнли алоқа биноси замонавий таъмирланиб, янги рақамли ЭАМТС муваффақиятли монтаж қилинди.

— Буларгина эмас, — сўзга қўшилди Самад аканинг шогирдларидан яна бири, Ғузор ТКБ бошлиғи Акрам Қурбонов, — туманлараро телекоммуникация боғламалари ва барча алоқа уйларининг кабель линиялари қайтадан таъмирланишида ҳам устозимиз доим ташаббускор бўлганлар...

...Ўз касбининг фидойиси ва катта меҳнат йўлида чиниққан Самад Бозоров Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Баҳром МУРОДОВ

ИҚТИСОДИЙ ҚАМАЛ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ТАРАФДОРИ

БМТ Бош ассамблеяси яқинда кўпчилик овоз билан АҚШнинг Кубага қарши иқтисодий қамалини бекор қилиш бўйича ўн тўртинчи бор резолюция қабул қилди. Унда 182 та давлат вакили қамал бекор қилинишини ёқлаган бўлса, атиги тўртта давлат қарши чиқди. «Сайёрамиз халқлари ва ҳукуматларининг БМТ Бош ассамблеясида баён этган позицияси бизнинг умидларимизга куч бағишлайди: эртами-кеч Кубага нисбатан қамал бекор қилинади. АҚШ ҳукумати жаҳон ҳамжамияти изҳор этган овоз билан ҳисоблашиши шарт ва 45 йилдан буён давом этиб келаётган Куба халқига қарши тажовузга чек қўйиши лозим» деди Куба ташқи ишлар вазири Фелипе Перес Роке «Пренса Латина» ахборот агентлигига берган интервьюсида.

Кубаликлар маълумотига кўра, иқтисодий қамал натижасида мамлакат 82 миллиард доллар миқдорида иқтисодий зарар кўрган.

Флорида штати(АҚШ)нинг давлат университетида олиб борилган тадқиқотлар эса бу қамал АҚШ иқтисодиётига ҳам катта зарар етказганлигини исботлади. Кубага экспорт тақиқланиши натижасида АҚШ йилига 1,2 миллиард доллар иқтисодий зарар кўрмоқда. Агар қамал бекор қилинса, АҚШнинг ўзида 100 мингдан ортиқ янги иш ўрни пайдо бўлади, бюджетга тушум эса йилига 6 миллиард доллардан ошади.

Бундан ташқари тадқиқотчиларнинг фикрича, қамал нафақат кубаликларнинг, балки америкаликларнинг ҳам, бошқа мамлакат фуқароларининг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини бузмоқда. Бунга 2004 йил 30 сентябрда АҚШ Молия вазирлиги чиқарган фармойишни мисол қилиб келтириш мумкин. Унга кўра, АҚШ фуқаролари Куба маҳсулотларини сотиб олиши тақиқланган, агар қайсики ташкилот ёки корхона бу тақиқловни бузса, 1 миллион доллар миқдорида жаримага тортилади, агар бирор-бир шахс бузса, 250 минг доллар жарима тўлайди ёки уни 10 йиллик қамоқ жазоси кутади. Ҳатто Куба банкларига, компанияларига, ишбилармон доираларига хизмат кўрсатиш, портларга улар кемаларини қабул қилиш ҳам тақиқланган.

Эслатиб ўтамиз: АҚШнинг Кубага нисбатан иқтисодий қамал тадбирини бекор қилиш хусусида БМТ Бош ассамблеяси 1992 йили 59 та овоз билан (бу 59 та мамлакат номидан берилган овоз) биринчи бор резолюция қабул қилган бўлса, 2004 йили 179 та давлат қамални бекор қилиш учун овоз берган. Шунга қарамай АҚШ иқтисодий қамални бекор қилмаяпти.

МУДДАТ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

2008 йилдан эътиборан Россия армиясида хизмат муддати бугунги кундагидек 2 йил эмас, балки 1 йил қилиб белгиланади. Бу ҳақда Россия президенти Владимир Путин Қуролли Кучлар раҳбарияти тизимида сўзга чиқиб, маълум қилди. «Армия ва флотнинг жанговар ҳолатини пасайтирмаган ҳолда биз бунга эришишимиз керак» деди у. 2006 йилдан шартнома асосида хизмат қилувчилар сони кўпайтирилади. Бундан ташқари профессионал сержантлар тайёрловчи институтлар ташкил этишга киришилади.

Шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбийлар кўпайиши баробарида муддатли ҳарбий хизматчилар сони қисқартирилади, яъни 2011 йилга бориб армияда 1 миллион 100 минг киши қолади. Олий қўмондонлик таркибидан ҳам 300 та лавозим қисқартирилади.

Мудофаа вазири Сергей Ивановнинг айтишича, 5 йилда 34 минг ҳарбий қисқартирилади, генераллар таркиби эса 1100 нафардан ошмайди, яъни минг аскарга бир генерал тўғри келади.

Шунингдек, — дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида, — ҳарбий кафедралари мавжуд бўлган 35 та олий ўқув юрти битирувчилари 2008 йилдан эътиборан армия сафига чақирилмайди.

УЗОҚ ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Ироқ ва Эрон ўртасида 25 йиллик танаффусдан сўнг авиақатновлар йўлга қўйилмоқда. Синов парвози яқинда Ироқ миллий авиакомпанияси томонидан амалга оширилди. Доимий парвозлар эса (ҳафтада икки марта) 15 ноябрдан йўлга қўйилади.

Ироқнинг Эрондаги элчиси Муҳаммад аш-Шайх буни икки давлат ўртасидаги алоқаларга тамал тошининг қўйилиши дея баҳолади.

Эрон Ироққа 26 та йўловчи самолётини қайтариб беришга рози бўлганлиги ҳам муносабатлар илиқлашиб бораётганидан далолатдир, дейилади Қувайтнинг «Куна» ахборот агентлиги хабарида.

Маълумки, Американинг Ироққа қарши «Саҳродаги бўрон» деб номланган ҳарбий операцияси бошланишидан аввал, яъни 1991 йил январда ушбу самолётлар Эрон ҳудудига қўнган эди.

Эслатиб ўтамиз: 1980 йил сентябрда Ироқ Эронга қарши уруш бошлаган ва бу 8 йил давом этган, уруш оқибатида икки томон 1 миллион одамидан айрилган. Ўшандан бери бу икки давлат ўртасида алоқалар узилган эди.

Интернет хабарлари асосида Муслима КАМОЛОВА тайёрлади.

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «Poytaxt auksion» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 13,16,20,23,27,30 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади.

Яккасарой тумани:

— Генерал Каримов кўчасида майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 082 400** сўм; майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 811 800 сўм.**

— Юсуф Ҳамадоний кўчасида ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 480 000 сўм.**

Собир Раҳимов тумани:

— Дўстлик кўчасида майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 480 000 сўм;** майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 320 000 сўм.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Poytaxt auksion» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома №000815

Янги шеърлар

УЛУҒБЕКЛАР ЮЛДУЗ ЁҚҚАН ВАТАНГА ҚАЙТ

(Хорижга кетганларга)

Етти юртни ошиб кетган сарсона зот,
Ўз боғидан учган қушдай ҳайрона зот,
Ёт тупроқда юраги қон, вайрона зот,
Яссавийнинг изи ботган қўрғонга қайт,
Улуғбеклар юлдуз ёққан Ватанга қайт!

Ўзга юртда аччиқ таъм бор еганда ош,
Ўзга юртда чаён чақар қўйганда бош.
Юрагингга ботиб юрар минг битта тош,
Бобо Машраб юзин босган қўрғонга қайт,
Мирзо Бобур жонин тиккан Ватанга қайт!

Ҳар ким кечса ўз дарёсин сувин кечсин,
Ҳар ким ўпса ўз тупроғин ҳидин ўпсин.
Ўлганда ҳам етти аждод ёнда ётсин,
Кубро жону жаҳон этган маконга қайт,
Темур шоҳинг мангу ётган Ватанга қайт!

Ўзга тоққа қўнган қушнинг шони бўлмас,
Ватангадо қабр топса — номи бўлмас.
Эй Садоий бир нуқтада айлагил бас,
Бухорий интизор боққан маконга қайт,
Навоий кўзмунчоқ таққан Ватанга қайт!..

УСТОЗ

Ўттиз ё қирқ йилдир ё ундан олдин,
Қизил империя итдек ёпишганида.
Ҳатто даҳлиз, айвонгача экиб «оқ олтин»,
Қўлга кишан, тилга муҳр босишганида
Бир зот чиқди қўлларида бир сиқим тупроқ,
Булбул тилдан илк бор учди бир сўз, бир чақмоқ,
«Тилинг бериб бўлма тўти, булбулзабоним».
Бу Абдулла Ориф эди Ўзбекистоним!

Юртим сенга фидо бўлган қурбонлар кўпдир,
Ватаним деб шу Ватандан тонган бошқадир.
«Магар музликларни макон этган бўлсайдинг —
Жоним бермасмидим» — дея ёнган бошқадир.
Пушкин аё Байрон ҳам ўз бўйидан келар,
Бўйлашса гар Навоийнинг белидан келар.
Тож айлаган Алишернинг сўнмас мақомин,
Бу Абдулла Ориф эди Ўзбекистоним!

Аждаҳонинг олов пуркаб турган оғзига,
Ҳар ким ҳақ сўз пайконини отолмас эди.
Тикка боқиб бу ваҳшатнинг қонли кўзига,
«Тилло балиқча» исёнини айтолмас эди.
Юртим, кўрдим, шоирнинг кўп, қалами олтин,
Ўз кунига соғ бўлишсин майлига, локин,
Шоирнинг ҳам шоҳи бўлгай, тан ол давроним,
Бу Абдулла Ориф эди Ўзбекистоним!

Устоз десанг, юлдузлар ҳам жимирлаб кетсин,
Устоз десанг, тоғлар титраб, гумбурлаб кетсин.
Устоз десанг, Машраб, Бобур, Чўлпон, Қодирий,
Болам дея бошинг силаб, шивирлаб кетсин.
Улуғларинг севгил, улуғ миллат бўлгайсан,
Буюкларинг асра, буюк давлат бўлгайсан.
Садойингман юртим, жаннат, жаҳоним-жоним,
Асра Абдулла Орифни Ўзбекистоним!..

Шамсиддин САДОИЙ

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

Бир ёни тоғларга, яна бир томони боғларга туташ Сайрам қишлоғида юз билан юзлашаётган Султон момо Азизова яшайди. Кайвони момо қишлоқ аҳлининг маслаҳатгўйи, табаррук онахони. Қишлоқдошлар момони «табиб хола» деб иззат-икром кўрсатишади, дуосини олишга ошиқади. Биз ҳам онахонни зиёрат қилиш учун унинг хонадонига йўл олдик.

«ЎТГАН УМРИМДАН РОЗИМАН»

дейди Пастдарғом туманининг Сайрам қишлоғида яшовчи Султон момо АЗИЗОВА

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

— Ҳаётим давомида не-не қийинчиликларни, яхши ва ёмон кунларни кўрдим, болам. Бугунги дориломон кунларга етказганига шукур қиламан. Тўрт ўғил, икки қизни тарбиялаб катта қилдим. Турмуш ўртоғим Усмон Мўминов кўп йиллар деҳқончилик қилди, саксон йилдан зиёд умр кўрди. Ҳозир ўзим 28 невара, 30 эваранинг момоси бўлиб ўтирибман.

Қарилик ҳақида гапирадиган бўлсам, бу неъмат ҳар кимнинг ўтказган умрига қараб бериларкан. Бу ҳам одамнинг ўзига боғлиқ экан. Ёшликни бировлар елга совуриб, селга ласин — фарзандларим, неваралларим ҳаммаси эсли-хушли. Ишида иззат-обрў топиб юрибди. Шуларнинг бахти, омади менинг бахтим. Қарилик гашти ҳам шу-да, болам.

— **Узоқ умр кўришнинг** оқизади. Умрини, куч-ғайратини савоб ишларга сарфлаган одам қариганда ҳурмат-иззат топади, фарзандлари роҳатини кўради. Қарилик қайтиш фасли деб бежизга айтилмас экан. Инсон ёшлигида нима яратган бўлса, қариганда шу мевани тотаркан.

— Қарилик гашти нимада, момо?

— Одам боласи умр қадрини қариб, куч-қувватсиз қолганда англайди. Энди, болам, одамзот ёшликда умри ўтиб бораётганини билмаскан. Аслини олганда, кексалик ҳам ҳузур-ҳаловат экан. Оллоҳ сийсири нимада? Соғлом бўлай деган киши нималарга эътибор бериши керак?

— Аслида ҳаммаси Яратгандан. Лекин «ҳаракатга яраша баракат», деб бежиз айтилмаган. Болаликдан меҳнатга меҳр қўйган маъқул. У одамни касалликдан халос этади, саломатликни яхшилайди. Доимо ҳаракатда бўлиш ва меҳнатдан яхши дорининг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳамиша ҳаракатда бўламан, ҳеч бир жойда бекор ўтирмайман. Инсофли одамлар билан яшаш, ўз нафсини тия олмайдиганлардан узоқроқ юриш ҳам кони фойда. Имон-эътиқоддан юз ўгирмаслик, ота-она дуосини олиш, тўғрилик, ширинсўзлилик умрга умр қўшади. Қайғудан, ишёқмаслик, бекорчилик, бахил ва ҳасадгўйликдан доимо йироқ юринглар, болам. Меҳр-оқибатли бўлинглар. Ана шу меҳр-оқибат инсон умрини узоқ қилади.

— Момо, шунча ёшга кириб ҳам бардам, тетик кўринасиз, табибликдан ҳам хабарингиз бор экан. Шу ҳақда ҳам гапирсангиз?

— Ёшлик пайтларимизда дўхтирхона узоқ бўлганлиги учун бир жойимиз оғриб, безовта қилса момоларимиз, оналаримиздан эшитган амалларни қилганмиз. Гиёҳлар, ўтўланлардан дори тайёрлаб, шифо топганмиз. Кейинчалик қишлоғимиздаги одамлар касал бўлиб қолса дарҳол бизникига келишарди. Кейин-кейин ҳамма мени «табиб хола» дейдиган бўлишди. Илгари одамлар буғдой, жавардан тайёрланган сут-қатиқли овқатларни, мевалардан қилинган туршакларни кўп ейишарди...

— Онам кўпни кўрганлар, — дейди момонинг тўнғич ўғли Муҳаммади Турсунов. — Ёшим етмишни қоралаб бораётган бўлса-да, ҳар бир ишда онамдан маслаҳат оламан. Сира тиниб-тинчимайдилар. Доимо хушчақчақ. Онам билан суҳбатда бўлган киши яна бир гаплашсам деб юради. Бирон кишига қаттиқ гапириб кўнглини ранжитмаган. Ғайрат-шижоат онамизни ҳеч тарк этмаган. Юз билан юзлашиб турган бўлсада, ҳар куни ҳеч бўлмаганда томорқани айланиб келадилар.

— Инсон учун умр энг қимматли неъмат, — дейди Султон момо. — Шу неъматни авайлаб-асрасангиз, узоқ вақтларга етади. Ўтган умримдан ачинмайман. Бир одам боласи кўрадиган нарсаларни кўрдим. Яратганга шукур, ҳали ҳам соғсаломатман. Сизлар ҳам узоқ умр кўрай, соғу саломат бўлай десаларингиз, меҳнатга меҳру ихлос қўйинглар.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Абдусатторов Улуғбек Абдухаликович Жиззах шаҳри, Наримонов кўчаси, 4-уйда жойлашган Жиззах вилоят босмахонасининг 46483 дона (Низом фондига нисбатан 90%) эгаси ёзилган оддий нақдсиз кўринишдаги акцияларини сотиб олиш ниятини маълум қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан 1978 йилда Шарикул Джумаев номига берилган Б-I, №856780 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт

МЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН БАҲСЛАР

Кеча пойтахтимизда Россия ва Марказий Осиё давлатлари вакиллари иштирокида II Махсус Олимпия ўйинлари бошланди

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Махсус Олимпия ташкилоти, Хотин-қизлар қўмитаси, «Сен ёлғиз эмассан», «Меҳржон — спорт» сингари хайрия жамғармалари ҳамкорлигида уюштирилаётган мазкур мусобақа спортнинг баскетбол, стол тенниси, футбол ва енгил атлетика турлари бўйича ўтказилмоқда. Унда ҳамюртларимиз билан биргаликда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ҳамда Россиядан ташриф буюрган ақлий ва жисмоний имкониятлари чекланган 350 нафардан зиёд йигит-қиз ғолиблик учун майдонга чиқади. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт комплекси, «Умид» болалар спорт комплекси ҳамда Республика Олимпия заҳиралари спорт коллежларида ташкил этилаётган баҳсларни юқори савияда ўтказиш учун юздан ортиқ малакали мураббий ва ҳакамлар жалб этилган.

Ушбу Махсус олимпиада баҳонасида қатнашчилар гўзал Тошкентнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилишади. Ёш томошабинлар театри ҳамда Тошкент Давлат циркининг махсус дастурларидан баҳраманд бўладилар.

Меҳр-мурувват ва олижаноблик туйғуларини мужассам этган мазкур Махсус олимпиада илк маротаба бундан уч йил муқаддам Қозоғистонда ташкил этилганди. Юртимизда ўтказилаётган бу галги мусобақалар қатнашчилар учун 2006 йили Италияда бўладиган навбатдаги Бутунжаҳон Махсус олимпиадаси олдидан муҳим тайёргарлик вазифасини ўташи кўзланган.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари эртага маълум бўлади.

Эркин ХОЛБОБО

РАҲМОН КЛИЧКОНИ СУДГА БЕРМОҚЧИ

Америкалик ўта оғир вазнли собиқ жаҳон чемпиони Хасим Раҳмон билан унинг иш юритувчиси Дон Кинг Виталий Кличкони шартнома мажбуриятларини бажармаётгани учун судга бермоқчи. Маълумки, Виталий Кличко яқинда катта бокс билан хайрлашмоқчи эканини эълон қилди. Бунга унинг тиззаси операция қилингани ва бунинг оқибатида ярим йилгача тикланиш муддати кераклиги сабаб бўлган. Демак, Кличко Бутунжаҳон бокс кенгаши томонидан берилган сўнгги уч ойлик муддатда ҳам Раҳмонга рўбарў бўлишга имкон тополмаслиги мумкин.

— Биз бўлар-бўлмас баҳоналар билан шартнома мажбуриятларига путур етказаётган Кличкони судга беришга мажбурмиз, — дейди Кингнинг адвокати Жадда Берштейн. — Гап шундаки, Кличко оёғини сирли равишда операция қилдирган, устига-устак у билан қандай шифокор муомалада бўлгани, ҳатто касалхонанинг ҳам қаердалиги номаълум. Шунинг учун ҳам бизда шубҳа уйғонмоқда. Иложи бўлса, рентген сурати орқали унинг қалбида журъатдан асар ҳам йўқлиги фош этилса.

Аммо ОАВ хабарларига кўра, Виталий Кличконинг тиззасидан операция қилингани рост. Уни Колифорния штатидаги Инглвуд шаҳрида жойлашган Kerlan-Jobe касалхонаси шифокори Нил Элатраш даволаган.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

СУРХОНДАРЁ «АВТОЙЎЛ» ЙЎЛ-ҚУРИЛИШ ҲУДУДИЙ ШЎЪБА ТАШКИЛОТИ

танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Термиз шаҳар А.Икромов кўчасидаги 1303 км. оралиғини мукаммал таъмирлаш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 60 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: «Сурхондарёавтойўл» йўл қурилиш худудий шўъба ташкилоти.

Манзил: *Термиз шаҳри, Олмазор кўчаси, 42-уй. Тел/факс: 226-02-30.*

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Сурхондарёавтойўл» йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти биносида ўтказилади.

Манзил: Термиз шаҳар, Олмазор кўчаси, 42-уй.

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

I. Капитал реконструкция бўйича:

Лот 1-1. Олтинсой тумани, «Хўжасоат» ширкат хўжалигидаги 486 ўринли 43-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 347878,8 минг сўм.
Қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 1-2. Олтинсой тумани, Улуғбек номли ширкат хўжалигидаги 480 ўринли 3-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 161663,7 минг сўм.
Қурилиш муддати — 120 кун.

Лот 1-3. Қумқўрғон тумани, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги 415 ўринли 34-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 339246,0 минг сўм.
Қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 2-1. Узун тумани марказидаги 380 ўринли 2-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 283129,7 минг сўм.
Қурилиш муддати — 210 кун.

Лот 2-2. Узун тумани, Гулистон ширкат хўжалиги, «Ковчин» қишлоғидаги 430 ўринли 8-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 290506,2 минг сўм.
Қурилиш муддати — 210 кун.

Лот 2-3. Шеробод тумани, Охунбобоев номли маҳалладаги 640 ўринли 42-сонли мактаб биносини капитал реконструкция қилиш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 345553,8 минг сўм.
Қурилиш муддати — 240 кун.

II. Мукаммал таъмирлаш бўйича:

Лот 12-1. Ангор тумани, Ш.Рашидов ширкат хўжалигидаги 620 ўринли 23-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 101571,93 минг сўм.
Қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 12-2. Термиз тумани, «Янги ариқ» ширкат хўжалигидаги 500 ўринли 17-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 80831,64 минг сўм.
Қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 12-3. Қизириқ тумани, Гиламбоб ширкат хўжалигидаги 624 ўринли 36-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 105517,47 минг сўм.
Қурилиш муддати — 180 кун.

Лот 12-4. Жарқўрғон тумани, «Ҳалқабод» ширкат хўжалигидаги 500 ўринли 49-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — 72415,61 минг сўм.
Қурилиш муддати — 90 кун.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел: 2-49-71, 2-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi:
Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Farhod MAHKAMOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 854
6460 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti — 21.45
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda